

ЯКУБОВА МАХТУМАХОН АСАТУЛЛАЕВНА

**ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИНИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)
философии по экономическим наукам**

Content of the Doctoral (PhD) dissertation abstract

Якубова Махтумaxon Асатуллаевна

Энергетика тармоғи корхоналарини барқарор ривожланишини
таъминлашнинг иқтисодий механизмлари..... 5

Якубова Махтумaxon Асатуллаевна

Экономические механизмы обеспечения устойчивого развития
предприятий энергетической отрасли.....

Yakubova Makhtumakhon Asatullaevna

Economic Mechanisms for Ensuring Sustainable Development of Energy
Industry Enterprises.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВА МАХТУМАХОН АСАТУЛЛАЕВНА

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИНИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt783 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Алишер Мухаммадназирович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Саматов Гаффор Аллакулович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хашимова Наима Абидовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; E-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; E-mail: : tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2023 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.А.Икрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

О.И.Бегмуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.ф.д., доцент

Г.Ж.Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни ва ностандарт иқтисодий шароитларда энергетика корхоналарини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. “Халқаро энергетика агентлиги (GEA) маълумотларига кўра “2020 йилдаги пасайишдан сўнг, жаҳонда электр энергияга бўлган талаб 2021 йилда 6 % га ошди. Бу бутун тарихдаги мутлақ йиллик кўрсаткичлар орасида энг катта ўсиш (1500 ТВтдан ортиқ) ҳисобланади”¹. Бугунги кунда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия манбаларига асосланган электр энергиясини ишлаб чиқаришни ошириш, ноқулай об-ҳаво шароитига мослаштириш, газ ва уран ҳисобига электр энергия ишлаб чиқариш йилдан йилга ошиб бормоқда.

Жаҳонда юз бераётган энергетик инқироз жараёнида ишлаб чиқариш қувватлари ва янгиланган инфратузилмалар, энергетика соҳаси корхоналарини барқарор ривожлантириш, яшил иқтисодиёт ва тежамкор ишлаб чиқариш ёндашувларини кенг қўллаш борасидаги тадқиқотларга устувор вазифа сифатида қаратилмоқда. Бу борада энергетика соҳасида замонавий тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жлорий этиш самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи манбаларни қўллаш, электр станцияларини зарурий хомашё билан таъминлаш асосидаги ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш юзасидан илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда энергетика соҳасини замонавий технологик асосларда жадал ривожлантириш, энергетик ишлаб чиқаришини яшил ва тежамкор технологиялар асосида ташкил қилиш каби йўналишларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Иссиқлик электр станцияларида ёқилғи сарфини 6 фоизга (1 киловат соат электр энергиясини ишлаб чиқаришга сарфланадиган 334 грамм шартли ёқилғидан 315 граммгача) қисқартириш орқали уларни самарадорлигини ошириш”² каби вазифалар белгиланган. Бу борада энергетика корхоналарини фаолиятни самарали ташкил этиш ва замонавий инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, электр энергияси билан аҳолини узлуксиз таъминлаш, соҳада ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда ноанъанавий ечимларни қўллаш, олинган фойдани тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби йўналишларда олиб борилаётган илмий ишларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини

¹Electricity Market Report. Международное энергетическое агентство (МЭА) 2022.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлар, 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-83-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 1 февралдаги ПҚ- 4142-сон “Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат тармоғидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини барқарор ривожлантиришнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ масалалар Дж.Касти, Г.Брунтланд, Д.Аакер, Ch.Coburn, D.Brown, I.Cooke , P.Mayers, R.Daft, S.Becker, G.Dosi каби хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.³

МДХ давлатлари олимлари Е.А.Барбишев, А.Н.Богатко, Г.Н.Захаров, Л.И.Иванова, З.В.Коробкова, Г.Х.Батов, А.С. Шеулин, С.Н.Бобылев, М.Зайганов каби олимлар саноат ва энергетика корхоналарини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этганлар⁴.

Бугунги кунда Ўзбекистон олимларидан К.Р.Аллаев, Н.М.Махмудов, Г.Ж.Аллаева, А.У.Бурханов, А.В.Ваҳабов, Ш.Х.Хажибакиев, М.Исаков, Д.Рўзиева., М.С.Саиткамолов⁵лар мамлакат энергетика тизимини бошқариш ва

³ Касти Дж. Большие системы: связность, сложность, катастрофы / Дж.Касти. – М: Мир, 1982. – 216 с./ Брунтланд Г. Наше общее будущее: доклад Комиссии ООН по окружающей среде и развитию 1987 г. / Г.Брунтланд. - М.: Прогресс, 1988. / Аакер Д. Стратегическое рыночное управление. 7-е изд. / Пер. с англ. под ред. С.Г. Божук. — СПб.: Питер, 2007. — 85 с./ Coburn Ch. M., Brown D.M. Response: A state-federal partnership in support of science and technology. / Econ. Development quart. – Newbury Park, 1997. – Vol.11, #4, p.296-309. / Cooke Ian, Mayers P. Introduction to Innovation and Technology Transfer Boston: Artech House, Inc., 1996, 235 p. / Daft R.L., Becker S.W. The innovative organization. – New-York: Elsevier, 1978. / Dosi, G. Technical Change and Economic Theory. Pinter, London, 1988.

⁴ Барбишев Е.А. Введение в теорию устойчивости. М., Наука, 324 с., 1987. / Богатко А.Н. Система управления развитием предприятия (СУРП). М., Финансы и статистика, 240 с., 2001./ Захаров Г.Н. Формирование экономического механизма устойчивого развития нефтехимического предприятия. Дис. канд. экон. наук 08.00.05. СПб., 176 с., 2002. /Иванова Л.И. Развитие методики анализа финансовой устойчивости как способа достижения объективной оценки финансового состояния организации [Электронный ресурс] / Менеджмент в России и за рубежом. – 2013. – № 2. – С. 41./ Коробкова З.В. Устойчивое развитие промышленных предприятий в глобализированной экономике // Совершенствование институциональных механизмов в промышленности: сб. науч. Тр. - Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 2005.- с. 24. /Батов Г.Х., Концепция устойчивого развития в системе формирования производственных комплексов региона / – Нальчик: Издательство КБНЦ РАН, 2010. – 56 с. / Шеулин А.С. Устойчивое инновационное региональное развитие как научно-прикладное направление // Устойчивое развитие. Наука и Практика. – 2004. - №2./ Бобылев С.Н. Устойчивое развитие: методология и методики измерения: учебное пособие / – М.: Экономика, 2011. – 358 с./ Зайганова М. Генезис концепции устойчивого развития // Социально-экономические системы: вопросы государственного регулирования и управления: сб. научных трудов Вып.2. – СПб.: Издательство ГПА, 2007.

⁵К.Р.Аллаев Электроэнергетика Узбекистана и мира. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2009,- 106 с./ Н.М.Махмудов ва М.Бўтаев/ Худуднинг қайта ишлаш саноати потенциалидан самарали фойдаланиш йўллари/ “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омилар, натижалар ва истиқболлар” мавзусидаги Республика

ривожлантириш муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Юқорида келтирилган илмий ишларда бозор иқтисодиёти шароитида энергетика корхоналари фаолиятини барқарор ривожлантириш муаммолари ўрганганлигини кўриш мумкин. Аммо, энергетика корхоналарини барқарор ривожланишини таъминлашнинг иқтисодий механизмлари

ривожланиш йўналишларини белгилашда иқтисодий ҳолат, экологик вазият, ишлаб чиқариш технологиялар ва кадрлар билан таъминланганлик даражалари, мамлакат электр тармоғидаги энергетик хавфсизликни ҳисобга олувчи барқарор ривожланишини таъминловчи ташкилий-иқтисодий жараён етарли даражада ўрганилмаган. Энергетика корхоналарида мамлакат энергетика тармоғини, жумладан электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмларини инновацион технологияларни қўллаш асосида ривожлантириш жараёнларига етарлича эътибор берилмаган. Шу сабабли, энергетика тармоғини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш жараёнлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларга таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш ва мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф1.100 “Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланиши ва модернизация шароитида мамлакатнинг инвестицион салоҳияти назариясини ишлаб чиқиш ва унинг шаклланиш механизмларини яратишнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси энергетика соҳаси корхоналарнинг барқарор ривожланишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарида барқарор ривожланиш ва унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

энергетика соҳасининг барқарор ривожланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

илмий-амалий анжумани Илмий мақолалар тўплами 2018 йил 30 октябрь 422 бет /Аллаева Г.Ж. Методология устойчивого развития топливно-энергетического комплекса Республики Узбекистан/ Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил, 3-сон 148 б./ А.У.Бурханов Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш усули // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил./ А.В.Ваҳабов Ш.Х.Хажибакiev /Тикланадиган энергия истеъмолининг таркиби ва ривожланиш истиқболлари: халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар/ «Инновацион иқтисодиёт: муаммо, таҳлил ва ривожланиш истиқболлари» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 2021 й.7 бет./ М.Исаков, Д.Рўзиева. Ўзбекистон саноатидаги таркибий ўзгаришлар. Монография. - Т.: ТДИУ, 2019 й. 65 бет./ М.С.Саиткамоллов Ўзбекистон Республикасида иссиқлик энергетикаси корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари/ “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 1/2022, yanvar-fevral (№ 00057). 173 бет

соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш механизми ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

миллий иқтисодий тизимида энергетика соҳасини аҳамияти ва ўрнини очиб бериш;

энергетика соҳасини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва хориж тажрибасини ўрганиш;

“Тошкент ИЭС” АЖ иқтисодий фаолияти ва унинг амалдаги ҳолати таҳлилини амалга ошириш;

“Тошкент ИЭС” АЖ барқарор ривожланиш стратегиясини алгоритмни ва уни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

“Тошкент ИЭС” АЖ барқарор ривожланишининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

“Тошкент ИЭС” АЖ фаолиятининг эконометрик моделини ишлаб чиқиш ва уни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб энергетика соҳасининг етакчи корхонаси бўлган “Тошкент ИЭС” АЖ ва унга алоқадор корхоналар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети “Тошкент ИЭС” АЖда замонавий ва илмий ёндашувлар асосида корхона фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танланма кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Тошкент ИЭС” акциядорлик жамиятини стратегик ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқариш-технологик, иқтисодий-экологик, инновация ва кадрлар таъминотида кўра мезоний кўрсаткичлар (жумладан, рентабеллик даражаси, тўловлилик қобилияти, экологик хавфсизлик, асосий фондлар янгиланиш даражаси) асосида ички муҳит орқали шаклланиш ва айни пайтда ўзгарувчан миссия ва ташқи муҳит таъсирида фаолият юритиши шароитида цикли ёндашув бўйича белгилашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

“Тошкент ИЭС” АЖ барқарор ривожланишини иқтисодий ва технологик жараёнларни ҳисоблаш бўйича хусусий барқарорлик индексларининг қиймат кўрсаткичларини корхона умумлаштирилган барқарор ривожланиш даражаси муайян катта қийматни олса, АЖ барқарор ривожланиши, қиймат қанчалик юқори бўлса, барқарорлик маржаси шунчалик юқори бўлишига асосланган муаллифлик ёндашувига кўра баҳолаш таклиф этилган;

миллий энергетик хавфсизликни таъминлашда шароитида “Тошкент ИЭС” АЖ барқарор ривожланишининг ташкилий-иқтисодий жараёнини баҳолаш ва энергетик хавфсизлиги таркиби миллий ва минтақавий бозорларда фаолият юритувчи қўшни давлатлар турдош энергетика корхоналарининг фаолиятини эътиборга олишга кўра такомиллаштирилган;

“Тошкент ИЭС” АЖ фаолиятининг эконометрик модели ва уни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши сифатида маҳсулотни сотишдан

олинган соф тушумга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб 2028 йилга қадар прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш корхоналарни барқарор ривожлантириш жараёни энергетика соҳаси корхоналарида ишлаб чиқариш ва таъмирлаш фаолиятини олиб боровчи корхоналарнинг стратегик ривожланиш имкониятлари очиқ берилган;

инновацион технология, техник воситалар ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига энергетика корхоналари инновацион салоҳиятини ошириш ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари такомиллаштирилган.

“Тошкент ИЭС” АЖдаги мавжуд муаммоларни ва таҳдидларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам берадиган, корхонани ишлаб чиқариш жараёни ҳолатини доимий мониторингини олиб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган моделларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг энергетика корхоналари ваколатли ташкилотлардан ўтганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энергетика корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, энергетика тизимидаги корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиришга оид олиб борилаётган илмий изланишлар учун манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда энергетика корхоналарининг фаолиятининг барқарорлигини ошириш, тармоқдаги муаммоларни аниқлаш ва тармоқ фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишда, мамлакат энергетикасини ва ундаги корхоналарнинг истиқболларини белгилашда фойдаланилиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Энергетика тармоғи корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг иқтисодий механизмлари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

“Тошкент ИЭС” акциядорлик жамиятини стратегик ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқариш-технологик, иқтисодий-экологик, инновация ва кадрлар таъминотида кўра мезоний кўрсаткичлар (жумладан, рентабеллик даражаси, тўловлилик қобилияти, экологик хавфсизлик, асосий фондлар янгилаш даражаси) асосида ички муҳит орқали шаклланиш ва айни пайтда ўзгарувчан миссия ва ташқи муҳит таъсирида фаолият юритиши шароитида цикли ёндашув бўйича белгилаш бўйича таклиф “Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 24-сон буйруғи билан стратегик ривожлантириш дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг

2023 йил 18 август 01-30-4939-сон, “Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 411-сон маълумотномалари). Ушбу циклни қўллаш натижасида 2021 йилда жамиятда ишлаб чиқариш қувватлари қайта таҳлил қилиш ва товар моддий захираларнинг қийматини 1,57 % ошириш имконини берган;

“Тошкент ИЭС” АЖ барқарор ривожланишини ҳисоблашда иқтисодий ва технологик жараёнларни ҳисоблаш бўйича хусусий барқарорлик индексларининг қиймат кўрсаткичларини муаллифлик ёндашуви бўйича таклифлар Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 24-сон буйруғи билан стратегик ривожлантириш дастурига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2023 йил 18 август 01-30-4939 -сон, “Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 411-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларни қўллаш натижасида корхонанинг барқарорлик индексига эришиш учун кўрсаткичлар бўйича 0,32 пунктга ошириш кераклиги келтирилган;

“Тошкент ИЭС” АЖ барқарор ривожланишининг ташкилий-иқтисодий жараёнини баҳолаш ва энергетик хавфсизлиги таркибида миллий ва минтақавий бозорларда фаолият юритувчи қўшни давлатлар турдош энергетика корхоналари фаолиятини эътиборга олиш бўйича таклифлар “Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 24-сон буйруғи билан стратегик ривожлантириш дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2023 йи 18 август 01-30-4939-сон, “Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 411-сон маълумотномалари). Ушбу таклифларни қўллаш натижасида “Тошкент ИЭС” АЖ барқарор ривожланишини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизм ҳисобига тайёр маҳсулот яратиш имконияти ошиб, бу кўрсаткич 56 944 млн. сўмга ёки 2020 йилга нисбатан 1,3 баробарга оширига муайян даражада хизмат қилган;

“Тошкент ИЭС” АЖ фаолиятининг эконометрик модели ва уни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши сифатида маҳсулотни сотишдан олинган соф тушумга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб 2028 йилга қадар ишлаб чиқилган прогнози бўйича таклифлар “Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 24-сон буйруғи билан стратегик ривожлантириш дастурига жорий қилинган (“Тошкент ИЭС” АЖнинг 2022 йил 7 декабрдаги 411-сон маълумотномаси). Ушбу прогнозни амалиётга жорий қилиш “Тошкент ИЭС” АЖнинг 2028 йилда 2021 йилга нисбатан соф тушум ҳажмини муайян миқдорга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та тезис, жумладан 2 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган маҳаллий журналларда 3 та ва юқори импакт факторли хорижий илмий журналда 1та илмий мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Энергетика тармоғининг барқарор ривожланиши ва унинг механизмларини илмий – назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида саноат корхоналарида барқарор ривожланиш ва унинг илмий-назарий асослари, энергетика соҳасининг барқарор ривожланишга таъсир этувчи омиллар, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш механизми, меъёрий-ҳуқуқий асослари, замонавий ёндашувлар ҳамда муаммоларни ўрганиш услубиёти тадқиқ этилган.

Барқарор ривожланиш жараёнига ўтиш замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида инсоният ва алоҳида мамлакатлар учун энг муҳим мақсадга айланди. Ушбу атама иқтисодий ўсишнинг юқори ижтимоий ва экологик “сифати”ни, яъни ижтимоий ривожланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан биргаликда иқтисодий ўсишни англатади⁶.

Бугунги кунда мамлакатимиз энергетика корхоналарининг барқарор ривожланиши миллий иқтисодиётимизни самарали ташкил этиш ва унинг барқарорлигини таъминлашнинг асоси бўлиб келмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари фаолиятини самарадорлиги кўп жиҳатдан энергетика соҳасидаги корхоналарнинг барқарор фаолият юритишига боғлиқдир. Бу ҳолат энергетика тармоғининг барқарор ривожланиши ва унинг механизмларини илмий- назарий ва услубий асосларини тадқиқ қилиш, умумлаштириш асосида такомиллаштиришни талаб этади.

Замонавий иқтисодиёт фанида “барқарор ривожланиш” атамасини таърифлашга турли ёндошувларни таҳлил қилиш назарий муаммони – ўрганилаётган тушунчани бир маънода тушуниш ва талқин қилишнинг йўқлиги натижасида “барқарор ривожланиш” тушунчасининг умумэътироф этилган, аниқ ва ягона таърифи йўқлигини аниқлаб берди. Бу ҳолат сабаби биринчидан, барқарор ривожланиш таърифини ҳар қандай иқтисодий тизимга нисбатан унинг ривожланишининг мақсадлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танлаш мумкинлиги, иккинчидан эса ҳар бир тадқиқотчи ўз илмий тадқиқотни мавзуси ва объектидан келиб чиққан ҳолда “барқарор ривожланиш” тушунчасини таърифлайди, унга янги белги ва жиҳатларни киритади.

⁶ Коптюг В.А. Конференция ООН по окружающей среде и развитию (Рио-де-Жанейро, июнь 1992 г.) / В.А.Коптюг. - Информационный обзор. – Новосибирск. - 1992. - С.19-20.


Диссертацияда мавжуд иқтисодий адабиётларда барқарор ривожланишга берилган таърифларни таҳлили натижасида ушбу тушунчага муъалифнинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди, унга кўра, барқарор ривожланиш – бу давлат миқёсидаги энергетика корхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳисобига иқтисодий, ижтимоий, экологик, технологик ва молиявий томонидан корхона фаолиятининг бир меъёрида ўсиб боришидир.

Барқарор ривожланиш омиллари тизимини ҳар томонлама таҳлил қилиш энергетика саноати корхонасининг барқарор ривожланиш механизмининг шакллантириш ва такомиллаштириш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Барқарор ривожланишга кўп сонли ички ва ташқи иқтисодий вазиятлар таъсир этиши ва уларни кўп ҳолларда тўғридан-тўғри аниқлаб бўлмаслиги сабабли ушбу омилларни баҳолаш жуда мураккаб амалий вазифадир. Услубий жиҳатдан ушбу вазифани бажариш корхонанинг ривожланишини ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш тенденцияларини баҳолашга имкон беради.

Таҳқиқотларимиз шуни кўрсатдики энергетика соҳаси корхонасидаги барқарор ривожланиш жараёни деганда бошқарув тузилмасига ички ва ташқи муҳитнинг ўзаро таъсир этиш тизимини оптималлаштириш орқали иқтисодий самарани максимал даражада оширишга қаратилган функциялар тўплами тушунилади. Шу муносабат билан энергетика корхоналарининг барқарор ривожланишига ташқи ва ички омиллар таъсир этади. Шуниндек электр энергетика корхоналари энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш объектлари тўплами сифатида ўзининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш аппарати фаолияти жиҳатидан миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан сезиларли даражада фарқ қилади.

Диссертацияда энергетика саноати корхонасини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда унга таъсир этувчи ички омиллар ҳам алоҳида таҳлил қилинган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, биринчидан, барқарор ривожланишига таъсир қилувчи ички омиллар муҳим аҳамият касб этади, чунки, улар энергетика саноати корхонасига бевосита ичкаридан таъсир қилади, иккинчидан эса корхоналар барқарор ривожланиши учун ташқи омилларни таъсирни минималлаштириш талаб этилади, чунки корхона ички омилни қисман ёки тўлиқлигича ўз назоратида сақлаб қола олиш қобилиятига эга бўлади. Бинобарин, айнан энергетика корхоналарининг фаолиятини шакллантирадиган ва барқарор ривожланишга таъсир қилувчи асосий омиллар бу ички омиллар дейиш мумкин. Энергетика корхонасининг барқарор ривожланишига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни ўз вақтида аниқлаш ва таҳлил қилиш корхонанинг бозордаги рақобатбардошлиги, тўловлилик қобилиятини ва молиявий мустақиллигини оширишга ёрдам беради. Услубий жиҳатдан бунга эришиш ички ва ташқи омилларни таъсир даражасини аниқлаш учун уларни баҳолашни талаб этади. Шу боис, энергетика саноати корхонасининг барқарор ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш босқичлари кетма-кетлиги тавсифлаб берилди. Бу алгоритмнинг босқичлари мантикий жиҳатдан ўзаро боғлиқ, олдинги босқич

кейинги босқични тақазо этади ва тўлдиради пировард натижада эса таъсир этувчи омилларни комплекс таҳлил этишга имкон беради.



1-расм. Энергетика саноати корхонасининг барқарор ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш босқичлари⁷

Ички ва ташқи омилларнинг энергетика соҳаси корхонасининг фаолиятига таъсирни баҳолаш ҳисобига уларнинг таъсирда ҳосил бўлиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни қисман бўлсада аниқлаш мумкин бўлади. Бунда уларнинг қанча вақт давомида таъсир ўтказётганлиги ва таъсир даражасини ҳам баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Омилларни тўлиқ таҳлил қилиш корхонанинг молиявий ва барқарор ривожланишига бўладиган таъсир чегараларини аниқлаш имконини беради.

Электр энергетика корхоналарининг узлуксиз фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши энергетика корхоналарининг турли хил шароитларида барқарор ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш ва уни самарали ҳаракатланиши муаммосини ечимини топиш билан боғлиқ. Диссертацияда мавжуд адабиётларни таҳлили асосида “иқтисодий механизм” тушунчаси ўрганилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, энергетика корхонасининг барқарор ривожланиш механизмининг назарий асослари корхоналарни ривожлантиришнинг динамик назарияси бўлиб, у пасайишсиз ривожланишни таъминлаш учун энергетика корхонаси уни динамик мувозанат ҳолатига келтириш учун ҳаракат қилиши кераклигини англатади. Бироқ, энергетика корхонасининг барқарор ривожланиш механизми учун фақат динамик назарияга асосланиш етарли деб бўлмайди. Чунки бозор нуктаи назаридан барқарор ривожланиш механизми ҳақида гап кетганда, бошқарув механизмини тушуниш ҳам мумкин. Аммо корхонанинг барқарор ривожланиши учун ўзига хос қулай шароитлар мавжуд бўлиши керак. Энергетика корхонасини барқарор ривожлантириш механизми фақат корхонанинг пайдо бўлаётган муаммоларини ҳал қилишни таъминлайдиган


⁷ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тизим доирасида амалга оширилиши мумкин. Бу механизм кўриниши ҳал қилинадиган муаммоларнинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Саноат корхонасининг барқарор ривожланиш механизм муаммосини ҳал қилиш учун, уни икки босқичли (корхонанинг барқарорлигини таъминлаш ва корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлаш) комбинация сифатида тақдим этишни таклиф қилган ёндашув ҳам мавжуд. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда диссертацияда энергетика соҳасини барқарор ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизмининг услубий масалалари яъни хусусиятлари, йўналишлари, уни таъминлашнинг таркибий қисмлари каби масалалар мавжуд адабиётлар ва ишланмаларни ўрганиш асосида тадқиқ қилинган. **Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикаси энергетика соҳаси ривожланиш механизмининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида миллий иқтисодиёт тизимида энергетика тармоғининг аҳамияти ва ўрни, энергетика тармоғининг ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва хориж тажрибаси, “Тошкент ИЭС” АЖнинг иқтисодий фаолияти ва унинг амалдаги ҳолатини ўрганиш асосида илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Маълумки энергоқуролланганлик мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгилайди, чунки электр энергетикаси инсон фаолиятининг барча турлари ва ҳаёт кечиришининг асоси ҳисобланади. Электр энергетика мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштиришда етакчи ва асосий соҳаларидан бири ҳисобланиб келади. Чунки, иқтисодиётни барқарор ривожланиш суръатларини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, аҳолининг фаровонлиги ва ҳаёт даражасининг яхшиланиши кўп жиҳатдан мазкур тармоқни ривожлангалик даражаси ва унинг истиқболи билан боғлиқдир. Шу боис энергетика мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга соҳа

ҳисобланади.


Ишончли ва барқарор энергетика тизими Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши ва барқарор ривожланиши учун жуда муҳимдир, айниқса Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ва уни рақамлашган саноат иқтисодиётига айлантиришнинг белгиланган кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда энергетика тизими олдида қуйидаги муаммолар мавжуд: ўрнатилган тарифлар энергетика тармоғини ривожлантириш учун етарли даражада маблағ ажратишга етмаслиги; тармоқларда электр энергияси йўқотишларининг даражаси юқори эканлиги (20%гача); алмаштириш керак бўлган ва эскирган ускуналар сони 30-40% ни ташкил этиши; автоматлаштирилган бошқарувни кенг жорий этиш зарурати (хусусан, электр энергиясини тақсимлаш сектори учун); замонавий бошқарув амалиётига бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги. Тахлиллар шуни кўрсатадики прогнозларга кўра глобал ўсиш суръатлари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон иқтисодиёти 2020-2025 йиллар давомида 3,8-4,1 %га ўсиб, прогноз даври охирига келиб пасайган ҳолда йиллик ўртача кўрсаткич 3,5% гача етади⁸. Дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари тоифасига кирувчи мамлакатларнинг ўсиш суръати тахминан 4% ни ташкил қилади (2-расм).

⁸ Альтернативные источники энергии: возможности использования в Узбекистане. Аналитический доклад. Центр экономических исследований. ПРООН. 2021, 74 с.



2-расм. Жаҳон иқтисодиёти, ўрта ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг прогноз ўсиш суръатлари (фоизларда) ⁹

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда электроэнергетика тармоғинида туб ўзгаришлар рўй берди: саноатни давлат томонидан тартибга солиш тизими ўзгарди, электр энергияси бозори шаклланди, собиқ вертикал интеграциялашган компаниялар ўрнига муайян фаолият турларига ихтисослашган тузилмалар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 27-мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг электроэнергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сон қарорига мувофиқ 2019 йилнинг март ойида Ўзбекистон электр энергетикаси уч қисмга яъни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашга йўналишларига ажратилди (3-расм)



3-расм. Электроэнергия бозори таркиби

2021 йил ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасининг ўрнатилган ишлаб чиқариш қуввати 28 та блок станцияларини ҳисобга олмаганда 15,8


⁹ Тахлиллар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ГВтни ташкил қилди. Иссиқлик электр станциялари (ИЭС) қуввати энергия тизимининг умумий ўрнатилган қувватининг 85,0 фоизини, ГЭСлар - 12,2 фоизини ва ИЭМлар - 2,7 фоизини ташкил этди. 2021 йилда иссиқлик электр станциялари ўртача ёши – 42 йил, ИЭМ – 63 йил, йирик ГЭСлар - 46 йилни ташкил қилди.

Энергия ахборот агентлиги (EIA), АҚШ энергетика вазирлигида нашр этилган маълумотларга кўра 2021 йилда мамлакатда янги электр иншоотлари ишга туширилди. Янги саноат миқёсидаги ишлаб чиқариш қувватларининг 70% куёш фотоэлектр ва шамол электр станциялари мос равишда 15,4 ГВт ва 12,2 ГВтга тўғри келмоқда. Бундан ташқари, EIA хабар беришича, қўшимча 4,1 ГВт кичик ҳажмдаги фотовольтаик қувватлар 2021 йилда туширилган.

АҚШ энергетика вазирлигининг маълумотларига кўра, соф энергия манбалари 2020 йилда мамлакатда ишлаб чиқарилган электр энергияси бўйича иккинчи ўринни эгаллаган.

Қизиғи шундаки, 4-расмга кўра, қайта тикланадиган манбалар аллақачон иккинчи ўринга кўтарилган ва бу ҳолат ўтган асрнинг 70 ва 80-йилларда содир бўлган.



4-расм. АҚШда электроэнергия ишлаб чиқариш манбалари 1950-2020 йиллар учун млрд. кВт/соатда¹⁰.

Манбага кўра, энди қайта тикланадиган энергиянинг яна бир ютуғи кўмир улушининг пасайиши ва куёш, шамол электр станцияларининг майдони ўсиши туфайли ҳам мумкин бўлди. EIA 2030 йилдан бошлаб АҚШда тоза энергия ҳукмрон бўлишига ишончи комил.

Энергетика соҳасини ривожланишининг замонавий тенденцияларини ва хориж тажрибасини таҳлили, Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги стратегияси қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни мамлакат энергетика мажмуасини ривожлантиришининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолиши ва бу йўналишда ишларни жадаллаштириш кераклигини кўрсатди. Бу мақсадга эришишда мамлакатимизда етарлича табиий ресурсларга эга бўлиб, улардан етарли

¹⁰ Energy Information Agency маълумотлари

даражада фойдаланилмай келинмоқда. Энергетика стратегиясини амалга ошириш учун бутун энергетикадаги қонунчиликни кўриб чиқиш, уни янгилаш, тизимлаштириш ва рақамлаштириш керак. Ушбу қонунлардан бири, бизнинг фикримизча, қайта тикланадиган энергия манбалари тўғрисидаги қонун бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг мавжуд энергетика салоҳияти ҳамда самарали давлат бошқаруви мамлакатимиздаги энергетика ва сув ресурслари ҳамда углеводород кимёвий моддасидан оптимал фойдаланиш, электр энергиясига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш имконини яратиши мумкин.

Ҳозирги кунда “Тошкент ИЭС” АЖ таркибида 13 та энергоблок мавжуд бўлиб ўрнатилган қуввати **2230 МВт**, амалдаги қуввати эса **2080 МВт**ни, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш қуввати эса 277 Г/кални ташкил этмоқда.

Станцияда электр энергияси ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун асосий ёқилғи табиий газ ва заҳира ёқилғиси мазут ҳисобланади.

2017-2020 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми йилига 11 фоиздан юқори миқдорни ташкил этди. 2017 йилда 5,1 млрд. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 2018 йилда 6,9 млрд. кВт.соат, 2019 йилда 7,06 млрд. кВт.соат 2020 йилга келиб эса 7,9 млрд. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилди ва шу даврдаги умумий ўсиш суръати 35 фоизни ташкил этди.

1- жадвал

**“Тошкент ИЭС” АЖда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб
чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари¹¹**

Йиллар	Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми, млн. кВт/соат	Электр энергияси узатиш ҳажми, млн. кВт/соат	Иссиқлик энергиясини узатиш ҳажми Гкал	Хусусий эҳтиёжлар учун электр энергияси сарфи, %
2011	7 783,18	7 310,14	117 241	6,03
2012	6 899,99	6 464,6	120 121	6,26
2013	7 159,68	6 704,65	125 210	6,3
2014	6 796,48	6 358,67	159 237	6,38
2015	7 051,06	6 594,24	152 112	6,42
2016	6 535,3	6 088,22	158 593	6,77
2017	5 131,44	4 765,46	171 061	7,04
2018	6 851,36	6 393,78	162 796	6,61
2019	7 057,99	6 633,1	141 734	5,96
2020	7 948,01	7 454,13	148 076	6,16
2021	7 759,9	7 276,7	129 974	6,18
2022	5 766,7	7 576,4	148 300	6,22

¹¹ “Тошкент ИЭС” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

“Тошкент ИЭС” АЖда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили 2021 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилга нисбатан 99,7%ни ва 2020 йилга нисбатан эса 97,63 %ни ташкил этганлигини кўрсатди. Бунинг асосий сабаби биринчидан, ўтган давр мабойнида корхонадаги дебиторлик қарзларининг кўпайиб кетиши ва иккинчидан эса корхонани ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом-ашё билан етарли даражада таъминланмаслиги. Лекин шунини таъкидлаш лозимки хусусий эҳтиёжлар учун электр энергияси сарфи 2021 йилда 2020 йилга нисбатан фоиз кўринишида ортган бўлиб, мос равишда 6,18%га нисбатан 6,16 %ни қайд этилганини кўрсатди, ҳажм нуқтаи назаридан қаралганда 100 млн. кВт/соат электр энергияси тежаб қолинган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон энергетика тармоғини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобида “Тошкент ИЭС” АЖда барқарор ривожланиш стратегиясини шакллантириш цикли ва уни ҳисоблаш усули, унинг барқарор ривожланиш механизмини такомиллаштириш ҳамда фаолиятининг эконометрик модели ва уни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилди. Энергетика корхонасининг барқарор ривожланишини таъминлашда, барқарор ривожланиш стратегиясини мақсадли хусусиятига эга яъни маълум бир хилма-хил мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш йўллариини белгилай оладиган бўлиши зарур.



5-расм. “Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланиш стратегияси мақсадларининг даражалари¹²

¹² Муаллиф ишланмаси

Шу муносабат билан, барқарор ривожланиш стратегиясини шакллантириш босқичида “Тошкент ИЭС” АЖнинг мақсадлари, функциялари, тамойиллари ва усуллари қайта таҳлил қилиш, барқарор ривожланишнинг турли хил концепциялари доирасида бўлиши керак.

Мавжуд кўрсаткичларни ўзаро боғлаш, уларнинг ҳақиқий ва меъёрий қийматларнинг чегараларини аниқлаш, шунингдек, уларга эришиш учун мақсадлар дарахтини ишлаб чиқиш орқали муаммоларни тизимлаштириш асосида расмийлаштирилиши керак бўлган бир қатор муаммоларни назарда тутади (5-расм).

Шу нуктаи назардан, ривожланишдаги барқарорлик тоифасидан белгиланган мақсадларга эришиш юзасидан фойдаланиш тўғри бўлади. Белгиланган мақсаднинг эришиш мумкинлигини аниқлашда барқарорлик эмас, балки миқдорий жиҳатдан талқин қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Мақсадлар дарахтида “Тошкент ИЭС” АЖ ривожланишининг барқарорлигини таъминлашга қўйилган умумий мақсадга кичик мақсадлар орқали эришиш йўллари кўрсатилган. Шубҳасиз, агар камида битта кичик мақсадга эришилмаса, жамият ривожланишининг барқарорлигига эришиб бўлмайди. Саноат корхонаси ривожланишининг барқарорлик мезонлари ва кўрсаткичларини ажратиб кўрсатиш талаб этилади. Уларга қуйдагиларни киритиш мумкин :

- мавжуд даражаларни такомиллаштириш;
- ортиқча элементлар ёки тизимлар фаолиятини чеклаш ёки бутунлай тўхтатиш;
- сифат жиҳатидан юқори даражага кўтарилиши учун тузилма ва улардаги функцияларга ўзгартиришлар киритиш.

Мавжуд салоҳият ва истикболли йўналишлардан келиб чиқиб, барқарор ривожланиш мезонлари ва шартларини ҳисобга олган ҳолда “Тошкент ИЭС” АЖнинг комплекс стратегиясидаги мақсадлар шакллантирилади.

“Тошкент ИЭС” АЖ стратегиясини шакллантиришдан олинган якуний самарадорлик нафақат унинг мазмуни, балки ташкилотнинг бошқа барча ихтисослашган стратегиялари билан қанчалик кенг қамровлилиги ва узвийлиги билан ҳам боғлиқ. (6-расм) Бизнинг фикримизча, таркиб нуктаи назаридан “Тошкент ИЭС” АЖнинг стратегияси ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмлари, товарлар ва омилар, бозордаги хатти-ҳаракати, АЖ ичидаги бошқарувнинг стратегик жиҳатлари, инсон капитални ривожлантириш соҳасидаги қарорларни қамраб олиши керак. Бунинг учун эса стратегиянинг алгоритминини шакллантириш барқарорлик кўрсаткичларига эришилиши керак бўлган мезонларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини ҳам акс эттириш талаб этилади. Ушбу кўрсаткичларнинг барқарор боғланиши алгоритми натижага тўғри вақт ва меъёрлар асосида эришилишига олиб келади.


Стратегияни мақсадларга эришишида энг асосий ролни тўғри белгиланган мезонлар ўйнайди. Улар қуйдагилардан иборат:

1. Иқтисодий барқарорлик мезонларини “Тошкент ИЭС” АЖнинг рентабеллик даражасини ошириш, инвестиция фаоллигини ошириш ва тўловлилик қобилятини сақлаб қолиш таъминлайди.

2. Кадрлар барқарорлиги мезонларини “Тошкент ИЭС” АЖнинг ходимлари меҳнати учун қулайлилик даражаси, ижтимоий таъминот даражаси, ходимларнинг кўнимсизлиги, корхонадаги жамоавий иш тажрибасининг давомийлиги кабилар белгилайди.

3. Экологик барқарорлик мезонлари, ўз навбатида, “Тошкент ИЭС” АЖнинг экологик хавфсизлигининг кўрсатади, корхона фаолияти натижасида атроф-муҳитга етказилган минимал зарарни ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш даражасини белгилайди.

4. Ишлаб чиқариш барқарорлиги мезонларини эса “Тошкент ИЭС” АЖда ишлаб чиқарилган энергия ҳажми, асосий фондларнинг эскириши ва янгиланганлик даражаси каби кўрсаткичлар белгилайди.



6- расм. Барқарор ривожланиш стратегиясини шакллантиришнинг цикли¹³.

Барқарор ривожланиш стратегияси фақат ички муҳит орқали шаклланиши мумкин, лекин айти пайтда корхона ўзгарувчан миссия ва ташқи муҳит таъсирида фаолият юритади. Ушбу алгоритм бир циклдаги тесқари

¹³ Муаллиф ишланмаси

алоқа айланиши сабабли барча кирувчи омилларни кўриб чиқишга имкон беради. Стратегик таҳлил ички ва ташқи муҳитни диагностика қилишни ўз ичига олади. Ижтимоий муҳит ва фаолият муҳитидаги омилларни аниқлаш учун ташқи муҳитни диққат билан ўрганиш ва баҳолаш, имкониятлар ва таҳдидларни аниқлашга замин яратади.

Таҳлил жараёнининг марказида бозор салоҳияти ва унинг ривожланиш истикболлари, ресурсларнинг мавжудлиги, компаниянинг ўзига хос имкониятлари, унинг кучли ва заиф томонларини аниқлаб бериш туради.

“Тошкент ИЭС” АЖнинг потенциал кучли ва заиф томонлари, ташқи муҳитнинг имкониятлари ва таҳдидларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши керак. Корхонанинг барқарор ривожланиши учун шаклланган комплекс стратегия ва унинг алоҳида субстратегияларидан фойдаланиб, Тараққиёт дастури шакллантирилади. Бунда стратегия ва умуман барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун аниқ ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади.

Алгоритмнинг кейинги босқичларида Тараққиёт дастурини тўғридан-тўғри амалга ошириш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг давом этаётган жараёнини ўз ичига олади, бунинг асосида индивидуал йўналишларни мувозанатлаш, бошқарув натижалари асосида мақсад ва вазифаларни ўзгартириш жараёни амалга оширилиши керак бўлади.

Ушбу барқарор ривожланиш стратегиясини шакллантириш алгоритмининг амалиётга тадбиқ қилиш натижасида қуйидаги амалий кўрсаткичга эришилган.

Ишлаб чиқариш қувватлари қайта таҳлил қилиш натижасида товар моддий захираларнинг қиймати ҳисоблаб чиқилган. Натижада 2021 йилда 147,15 млрд сўмни ташкил этиб, 2020 йилдаги 144,88 млрд.сўмга нисбатан 1,57 фоизга оширишга эришилган.

$$\frac{TM3_{2021}}{TM3_{2020}} = \frac{147,15}{144,88} * 100\% = 101,57\%$$

Барқарор ривожланишга ўтиш иқтисодий ва ишлаб чиқариш самарадорлиги, ижтимоий мувозанат ва экологик хавфсизликни ўзида мужассамлаштирган ягона тизим яратилишини англатади. Шу сабабли, барқарор ривожланиш элементлари сифатида иқтисодий барқарорликни (молиявий, инвестиция ва барқарорликнинг бошқа турлари комбинацияси сифатида), ишлаб чиқариш барқарорлиги, ижтимоий ва экологик барқарорликни ҳисобга олиш таклиф этилган.

“Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланишини жамланма индикаторлар ёрдамида баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу индикаторлар асосида ҳисоблаш усули қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1-босқич - Коэффициентлар тизимини шакллантириш.

“Тошкент ИЭС” АЖнинг ишлаб чиқариш, кадрлар, экологик ва иқтисодий барқарорлигини тавсифловчи коэффициентларни таҳлил қилиш асосида жадвалларда кўрсатилган корхона фаолиятининг барча кўрсатилган йўналишларини қамраб олувчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилади. Таклиф этилган кўрсаткичлар корхонанинг тўлиқ барқарорлигини баҳолашга имкон беради.

2-босқич - Танланган коэффицентларга асосланиб ҳар бир йўналиш бўйича кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффицентлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

1. Яроқлилиқ коэффиценти
2. Фонд қайтими
3. Реализациядан тушган соф тушум бўйича фонд қайтими
4. Соф фойда бўйича фонд қайтими

Иқтисодий барқарорлик коэффицентлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

1. Соф тушум ва таннархнинг нисбати
2. Операцион рентабеллик
3. Сотиш рентабеллиги

Кадрлар барқарорлиги коэффицентлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

1. Фойда бўйича ходимлар рентабеллиги
2. Соф фойда бўйича ходимлар рентабеллиги
3. Соф тушум бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш рентабеллиги
4. Соф фойда бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш рентабеллиги
5. Меҳнат унумдорлиги

Экологик барқарорлик коэффицентлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

1. Атмосферани ифлослантириш коэффиценти
2. Атроф-муҳитни муҳофазалаш коэффиценти
3. Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш коэффицентлари келтирилган

“Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланиш индекслари йиллар кесимида ҳисоб китоб қилинади. “Тошкент ИЭС” АЖни барқарор ривожлантиришда базавий ва ҳисобот давридаги ҳисобланган коэффицентларни нисбати асосида индекслар ҳисоблаб чиқилади. У қуйидагича кўринишда бўлади:

$$I_{\text{кўрсаткич}} = \frac{K_{\text{ҳисобот}}}{K_{\text{базис}}}$$

Бунда

$I_{\text{кўрсаткич}}$ - бу барқарорлиги ҳисобланаётган йўналиш индекси

$K_{\text{ҳисобот}}$ - бу йўналиш бўйича коэффицентнинг ҳисобот даври учун қиймати

$K_{\text{базис}}$ - бу йўналиш бўйича коэффицентнинг базис даври учун қиймати

“Тошкент ИЭС” АЖнинг ишлаб чиқариш барқарорлигини, кадрлар барқарорлигини, экологик барқарорлигини ва иқтисодий барқарорлигини тавсифловчи коэффицентлар асосида уларнинг индикаторлари барча кўрсатилган йўналишларини қамраб олувчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилди. Биз таклиф этилаётган усулдан Ўзбекистондаги етакчи корхона мисolidан фойдаланиб барқарор ривожланиш индексини ҳисоблаш учун фойдаланилди.

“Тошкент ИЭС” АЖнинг хусусий барқарорлик индексларининг қийматлари¹⁴

Ишлаб чиқариш барқарорлик индекслари													I _{иқ} = 0,26
Т/р	Кўрсаткич номи	Йиллар											
		2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
1	Яроқлилиқ коэффициенти	1,0	1,4	1,0	1,1	1,0	0,9	0,9	0,9	0,9	0,8	0,9	0,06
2	Фонд қайтими	1,5	0,6	0,9	0,8	0,8	1,6	0,5	1,6	1,4	1,4	1,2	0,15
3	Реализациядан тушган соф тушум бўйича фонд қайтими	1,5	0,6	0,9	0,8	0,8	0,9	0,9	1,6	1,5	1,4	1,2	0,14
4	Соф фойда бўйича фонд қайтими	5,8	-1,5	0,2	1,0	0,9	5,0	0,6	1,0	0,003	-5,0	124	0,7
Кадрлар барқарорлиги индекслари													I _к = 1,4
Т/р	Кўрсаткич номи	Йиллар											
		2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
1	Фойда бўйича ходимлар рентабеллиги	6,0	-1,8	0,3	1,3	1,2	5,8	0,8	1,3	0,003	-6,0	15,3	2,86
2	Соф фойда бўйича ходимлар рентабеллиги	6,2	-2,2	0,3	1,3	1,2	5,8	0,8	1,3	0,003	-4,3	1,5	2,32
3	Соф тушум бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш рентабеллиги	0,9	0,7	1,0	1,0	0,9	0,9	0,7	1,6	1,4	1,1	0,8	0,06
4	Соф фойда бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш рентабеллиги	3,5	-1,8	0,2	1,2	1,0	5,0	0,5	1,0	0,002	-4,0	103,8	0,31
5	Меҳнат унумдорлиги	1,6	0,9	1,3	1,1	1,0	1,0	1,0	2,1	1,8	1,5	1,2	1,44
Иқтисодий барқарорлик индекслари													I _и = 0,32
Т/р	Кўрсаткич номи	Йиллар											
		2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
1	Соф тушум ва таннархнинг нисбати	1,1	0,8	1,1	1,0	1,0	0,9	1,0	1,0	1,3	1,0	1,0	0,1
2	Операцион рентабеллик	5,0	-1,9	0,2	1,7	1,0	5,4	0,7	0,7	0,002	-10	45,0	0,41
3	Сотиш рентабеллиги	3,5	-2,4	0,2	1,3	1,3	5,0	0,8	0,5	0,002	-5,0	100	0,45
Экологик барқарорлик индекслари													I _э = 0,74
Т/р	Кўрсаткич номи	Йиллар											
		2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
1	Атмосферани ифлослантириш коэффициенти	1,1	0,7	1,0	0,9	1,8	1,2	1,0	0,8	0,7	2,7	1,0	0,21
2	Атроф-муҳитни муҳофазалаш коэффициенти	0,3	1,1	4,5	0,0	72,0	0,7	0,2	5,6	0,6	1,1	0,2	0,02
3	Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш коэффициенти	5,0	2,0	2,5	1,5	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	0,7	0,9	2

¹⁴ Муаллиф ишланмаси

Барқарор ривожланиши корхонанинг барқарор ривожланишининг асосий элементида бири бўлганлиги сабабли, ҳисоб-китоб учун ушбу методологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Натижаларига кўра, барча ўрганилаётган барқарор ривожланишнинг ҳисобланган индекслари кўриниб турибди. Индекслар салбий кийматлар ($I < 1$) ни ҳам қабул қилади. Жамият бўйича кўрсаткич 0,68 га тенг. “Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланишининг ҳисоблашни таклиф этилаётган усули корхона раҳбарларини керакли маълумотлар билан таъминлайди, улар асосида ўз вақтида самарали қарорларини қабул қилишлари мумкин.

Барқарор ривожланишга таъсир этувчи асосий ташқи ва ички омилларнинг ҳолати ҳам киради. Иқтисодий блокнинг вазифалари қаторида корхоналарнинг барқарор ривожланиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш масалалари ҳам муҳим ўрин тутати.



7-расм. “Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланишини таъминловчи иқтисодий механизми¹⁵.

¹⁵ Муаллиф ишланмаси

Тақдим этилган механизм энергетика саноати корхонасининг ички ва ташқи муҳитининг ўзаро таъсирини схематик тарзда акс эттиради. Ташқи муҳит объектив равишда мавжуд бўлган таъсир омиллари билан ифодаланади, уларнинг параметрларидаги ўзгаришлар динамикаси корхоналарнинг барқарор ривожланишини даражасига бевосита таъсир қилади. Ташқи муҳитда корхонанинг барқарор ривожланиш даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган икки гуруҳ субъектлари аниқланган: давлат ва ишбилармонлик муҳити. Юқоридаги механизмни амалга ошириш натижасида “Тошкент ИЭС” АЖдаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. Хусусан бу механизм жорий қилинган даврга қадар яъни 2018 ва 2020 йилларда тайёр маҳсулот ҳажми қуйидаги ҳолатда бўлган. 2018 йилда – 22 463 минг. сўм, 2019 йилда – 18 481 минг. сўм ва 2020 йилда 43459 минг. сўмга етган. Натижалардан кўриш мумкинки, 2019 йилда тайёр маҳсулот ҳажми 2018 йилга нисбатан пасайган. Шунини таъкидлаш лозимки, 2021 йилда “Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланишини таъминловчи ташкилий-иқтисодий механизм тўлиқ жорий қилиниши ҳисобига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ошиб, бу кўрсаткич 56 944 минг. сўмга ёки 2020 йилга нисбатан 1,3 баробарга оширилган.

$$\frac{T_{2021}}{T_{2020}} = \frac{56944}{43459} = 1,3$$

Ушбу механизмни мамлакатимиздаги барча иссиқлик электр станцияларига жорий қилиш мумкин. Хусусан, саноат тармоқларида асосий фаолият туридан қатъий назар, қўшимча ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналар ҳам бу механизмни жорий қилиш ҳисобига тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши имконияти эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги “Тошкент ИЭС” АЖнинг самарали ривожланишини аниқлашда қуйидаги омиллардан фойдаланиш мумкин:

- натижавий омил-“Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми, млн. сўм, (Y);
- таъсир этувчи омиллар сифатида- “Тошкент ИЭС” АЖдаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм (X_1);
- “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотлари таннари, млн. сўм (X_2);
- “Тошкент ИЭС” АЖнинг атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми, тонна (X_3).

“Тошкент ИЭС” АЖда жами қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар ҳажми, тонна (X_4).

“Тошкент ИЭС” АЖдаги ходимларнинг ўртача йиллик сони, нафар (X_5).

Аввало, “Тошкент ИЭС” АЖда маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушум бўйича кўп омилли эконометрик модель тузишдан олдин, ушбу моделга киритилаётган омиллар турли хил ўлчов бирлигига эга бўлганлиги сабабли уларни логарифмлаш керак бўлади ва улар ўртасидаги боғлиқлик зичлигини аниқлаш зарур ҳисобланади.

“Тошкент ИЭС” АЖ маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми ва унга таъсир этувчи омиллар таркиби¹⁶

Т/Р	Маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушум млн. сўм (Y)	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм (X1)	Маҳсулот таннарни, млн. сўм (X2)	Атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми, тонна (X3)	Жами қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар ҳажми, тонна (X4)	Ходимларнинг ўртача йиллик сони, нафар (X5)
2010	211 062,1	24 894,5	194 258,1	11 406,4	132,1	1 371
2011	337 470,1	25 945,7	291 184,2	12 474,7	191,3	1 390
2012	316 428,5	38 086,9	351 010,6	9 249,3	186,3	1 411
2013	408 059,2	54 047,6	396 375,7	9 521,9	184,6	1 402
2014	456 326,7	74 734,2	439 715,1	8 636,7	1 197,9	1 424
2015	470 296,6	99 100,8	456 468,5	7 764,8	1 207,0	1 415
2016	450 828,5	111 022,9	510 619,8	9 060,3	1 165,9	1 370
2017	431 217,8	118 939,6	486 403,6	8 804,5	1 243,8	1 258
2018	849 979,6	149 720,0	950 176,8	7 034,0	1 236,0	1 190
2019	1 491 538,2	180 338,3	1 333 982,1	4 991,9	1 159,6	1 163
2020	2 148 822,5	189 515,6	1 871 813,6	9 118,6	1 609,6	1 092
2021	2 654 680,4	197 733,6	2 308 534,9	9 242,9	1 544,7	1 089

Кўрсаткичлар логарифмлангандан сўнг ундаги қийматлар асосида омиллар ва натижа ўртасидаги боғлиқликлар аниқлаб олинади. Бунинг учун омиллар ўртасида хусусий корреляция коэффицентлари ҳисобланади.

Кейин ушбу омиллар ўртасида боғланишларни аниқлаш учун корреляцион таҳлил ўтказилади. Excel электрон жадвалидан фойдаланиб, омиллар ўртасида корреляция коэффицентлари ҳисобланади (3-жадвал). Демак, омиллар ўртасида боғланиш зичликлари, яъни хусусий корреляция коэффицентлари қийматлари энг юқори бўлганлари ва мультиколлениарликни келтириб чиқараётганлари қуйидагича ҳисобланади:

$$r_{x_1x_2} = 0,892, r_{x_1x_4} = 0,921$$

Бундан келиб чиқадики, эконометрик модел учун, “Тошкент ИЭС” АЖдаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм (X_1) омили яна 2 омил билан мултиколлениарликни ҳосил қилмоқда. Шу сабабли ушбу омилни моделда чиқариб юборилади ва яна бир бор хусусий корреляция коэффицентлари ҳисоблаб чиқилади.

Энди юқорида келтирилган омиллар бўйича “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омили эконометрик модель тузамиз. У қуйидаги кўринишга эга:

$$\hat{Y} = -2,775 + 1,122x_2 + 0,118x_3 - 0,057x_4 + 0,067x_5$$

$$R^2 = 0,9869; F_{\text{ҳисоб}} = 132,216.$$

Моделдаги $-2,775$ коэффиценти ҳисобга олинмаган омиллар таъсирини кўрсатади, яъни агар юқоридаги омилларни инкор қиладиган

¹⁶ “Тошкент ИЭС” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бўлсак, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми – 2,775 млн. сўм ташкил қилган бўлар эди.

Мазкур моделдан шуни айтиш мумкинки, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотлари таннархи, млн. сўм (X_2) ўртача бир млн. сўмга ошса, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми, млн. сўм (Y) ўртача 1,122 млн. сўмга ортишига олиб келиши мумкин экан. “Тошкент ИЭС” АЖнинг атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми, тонна (X_3) ўртача 1 млн. сўмга ортиши, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми, млн. сўм (Y) ўртача 0,118 млн. сўмга ортишига олиб келиши мумкин. “Тошкент ИЭС” АЖда жами қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар ҳажми, тонна (X_4), ўртача 1 млн. сўмга ортиши, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми, млн. сўм (Y) ўртача 0,057 млн. сўмга камайишига олиб келиши мумкин эканлигини кўриш мумкин. “Тошкент ИЭС” АЖдаги ходимларнинг ўртача йиллик сони, нафар (X_5) 1 млн. сўмга ортса, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми, млн. сўм (Y) ўртача 0,067 млн. сўмга ортишига олиб келади.

$R^2 = 0,9869$ - детерминация коэффициенти шуни кўрсатадики, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушумининг 98,69 фоизи кўп омилли эконометрик моделга киритилган омилларга боғлиқ эканлигини намоён этади. Қолган 1,31 фоизи эса ҳисобга олинмаган бошқа омиллар таъсиридир.

Агар $F_{\text{хисоб}} < F_{\text{жадвал}}$ бўлса, тузилган эконометрик модель статистик аҳамиятсиз ёки ўрганилаётган жараёнга мос эмас, дейилади. Бундай ҳолда чизиқли эконометрик модель ўрнига, чизиксиз эконометрик модель танланади. Бундан эса $F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ эканлиги маълум бўлди, яъни

$$F_{\text{хисоб}} = 132,219 > F_{\text{жадвал}} = 6,04.$$

Демак, тузилган эконометрик модель статистик аҳамиятлидир. Бунинг учун, энг аввало, “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушумига таъсир этувчи омиллар бўлган “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотлари таннархи, млн. сўм (X_2); “Тошкент ИЭС” АЖнинг атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми, тонна (X_3), “Тошкент ИЭС” АЖда жами қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар ҳажми, тонна (X_4), “Тошкент ИЭС” АЖдаги ходимларнинг ўртача йиллик сони, нафар (X_5) омиллар бўйича тренд моделлари тузиб олинади.

“Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотлари таннархи бўйича тренд модели:

$$y = 0,2032x + 11,983$$

$$R^2 = 0,9144$$

“Тошкент ИЭС” АЖнинг атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми бўйича тренд модели:

$$y = 0,0017 X_3 - 0,0249 X_2 + 0,0358 + 9,3344 X$$

$$R^2 = 0,5479$$

“Тошкент ИЭС” АЖнинг атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми бўйича тренд модели:

$$y = 1,1876\ln(x)+4,5099$$

$$R^2 = 0,8044$$

“Тошкент ИЭС” АЖдаги ходимларнинг ўртача йиллик сони бўйича тренд модели:

$$y = 0,0005X_3 - 0,0137 X_2 + 0,0786 X + 7,1411$$

$$R^2 = 0,9658$$

“Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушумига таъсир этувчи омиллар бўлган “Тошкент ИЭС” АЖнинг маҳсулотлари таннархи, млн. сўм (X_2), “Тошкент ИЭС” АЖнинг атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми, тонна (X_3), “Тошкент ИЭС” АЖда жами қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар ҳажми, тонна (X_4), “Тошкент ИЭС” АЖдаги ходимларнинг ўртача йиллик сони, нафар (X_5) тренд моделлари бўйича олиб борилган ҳисоб-китобларнинг прогноз натижалари қуйидаги 4 - жадвалда келтирилган.

4-жадвал

“Тошкент ИЭС” АЖ маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушуми ва унга таъсир этувчи омилларнинг 2023-2028 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари¹⁷

Йиллар	Маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушум млн. сўм (Y)	Маҳсулот таннархи, млн. сўм (X_2)	Атмосферага чиқарилган ҳақиқий чиқиндилар ҳажми, тонна (X_3)	Жами қайта ишлаб бўлмайдиган чиқиндилар ҳажми, тонна (X_4)	Ходимларнинг ўртача йиллик сони, нафар (X_5)
2022	2 171 897,81	1 982 759,26	8 749,92	1 912,25	1 039,09
2023	2 626 637,28	2 421 747,63	9 438,95	3 973,89	1 020,76
2024	3 276 978,35	2 957 929,24	10 348,53	5 051,30	1 017,50
2025	4 100 990,63	3 612 822,93	11 531,07	6 420,81	1 032,25
2026	5 149 113,93	4 412 711,89	13 058,57	8 161,64	1 069,02
2027	6 487 711,44	5 389 698,48	15 029,95	10 374,44	1 133,54
2028	7 115 441,05	6 582 992,58	17 581,46	13 187,17	1 1234,35

Шу билан бир қаторда ҳозирги кундаги энг катта муаммолардан бири бўлган рентабеллик даражаси паст лойиҳалардан баъзиларининг ўрнига тармоқни ривожлантириш учун замин яратадиган инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай ҳолатда инвесторлар тармоқдаги имкониятларнинг кенгаётганини ҳис қила бошлаганда, инвестицион ресурсларни жалб қилиш нисбатан осонроқ кечиши мумкин бўлади. Корхона ҳисобидаги мавжуд молиявий ресурсларни самарали инвестицион лойиҳалар ва рентабеллиги юқори бўлган лойиҳаларга йўналтириш ҳисобига “Тошкент ИЭС” АЖ даромадини янада кўпайтириш имкони пайдо бўлади. Прогноз қийматлари шуни кўрсатмоқдаки, 2028 йилга келиб маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушум ҳажми 2021 йилга нисбатан 2,68 баробарга ортади ва 7 115 трлн. сўмга етиши мумкин.

¹⁷“Тошкент ИЭС” АЖ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари бўйича тузилган.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйдаги хулосаларга келинди ҳамда назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Иқтисодиётни барқарор ривожланиш суръатларини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, аҳолининг фаровонлиги ва ҳаёт даражасининг яхшиланиши кўп жиҳатдан энергетика тармоғини ривожлангалик даражаси ва унинг истиқболи билан боғлиқдир. Шу боис энергетика мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади.

2. Барқарор ривожланиш – бу давлат миқёсидаги энергетика саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳисобига иқтисодий, ижтимоий, экологик, технологик ва молиявий томонидан корхона фаолиятининг бир меъёрга ўсиб боришидир.

3. Барқарор ривожланиш омиллари тизимини ҳар томонлама таҳлил қилиш энергетика саноати корхонасининг барқарор ривожланиш механизминини шакллантириш ва такомиллаштириш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Корхоналар барқарор ривожланиши учун ташқи таъсир этувчи омилларни минималлаштириш талаб этилади, чунки корхона ички омилни қисман ёки тўлиқлигича ўз назоратида сақлаб қола олиш қобилиятига эгадир.

4. Электр энергетика корхоналарининг узлуксиз фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши энергетика корхоналарининг турли хил шароитларида барқарор ривожланиш механизминини ишлаб чиқиш ва уни самарали ҳаракатланиши муаммосини ечимини топиш билан боғлиқ.

5. Энергетика саноати корхонасининг барқарор ривожланитириш механизми фақат корхонанинг пайдо бўлаётган муаммоларини ҳал қилишни таъминлайдиган тизим доирасида амалга оширилиши мумкин. Бу механизмининг кўриниши ҳал қилинадиган муаммоларнинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Саноат корхонасининг барқарор ривожланиш механизми муаммосини ҳал қилиш учун, уни икки босқичли (корхонанинг барқарорлигини таъминлаш ва корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлаш) комбинация сифатида тақдим этишни таклиф қилган ёндашув ҳам мавжуд.

6. Мамлакатимизда энергетика тармоғини ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: мамлакат энергетика тизимида хусусий корхоналар улуши кўпайтириш; мамлакат энергетика тармоғида мавжуд асосий технологик жараёнларни тубдан қайта кўриб чиқиш; энергетика тармоғида қўлланилаётган технологик жараёнлар билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш; энергетика тизимида лойиҳаларни амалга оширишда хусусий корхоналарнинг улушини ошириш; энергетика тармоғини ислоҳ қилишда рақамли технологиялардан фойданланишни кенгайтириш.

7. Барқарор ривожланиш стратегиясини шакллантириш алгоритминини амалиётга тадбиқ қилиш натижасида қуйидаги амалий кўрсаткичга

эришилган. Ишлаб чиқариш қувватлари қайта таҳлил қилиш натижасида товар моддий захираларнинг қиймати ҳисоблаб чиқилган. Натижада бу кўрсаткич 2021 йилда 147,15 млрд сўмни ташкил этиб, 2020 йилдаги 144,88 млрд.сўмга нисбатан 1,57 фоизга оширилишига эришилган.

8.Барқарор ривожланиш корхонанинг асосий элементида бири бўлганлиги сабабли, ҳисоб-китоб учун ушбу методологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Натижаларига кўра, барча ўрганилаётган барқарор ривожланишнинг ҳисобланган индекслари кўриниб турибди. Индекслар салбий қийматлар ($I < 1$) ни ҳам қабул қилади. Жамият бўйича кўрсаткич 0,67 га тенг. “Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланишини ҳисоблашнинг таклиф этилаётган усули корхона раҳбарларини керакли маълумотлар билан таъминлайди, улар асосида ўз вақтида самарали қарорни қабул қилишлари мумкин.

9.“Тошкент ИЭС” АЖдаги қўшимча тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. Хусусан бу механизм жорий қилинган даврга қадар яъни 2018 ва 2020 йилларда тайёр маҳсулот ҳажми қуйидаги ҳолатда бўлган. 2018 йилда – 22 463 минг. сўм, 2019 йилда – 18 481 минг. сўм ва 2020 йилда 43459 минг. сўмга етган. Натижалардан кўриш мумкинки, 2019 йилда тайёр маҳсулот ҳажми 2018 йилга нисбатан пасайган. Шунини таъкидлаш лозимки, 2021 йилда “Тошкент ИЭС” АЖнинг барқарор ривожланишини таъминловчи иқтисодий механизм тўлиқ жорий қилиниши ҳисобига тайёр маҳсулот яратиш имконияти ошиб, бу кўрсаткич 56 944 минг. сўмга ёки 2020 йилга нисбатан 1,3 баробарга оширилган

10. Прогноз қийматлари шунини кўрсатмоқдаки, 2028 йилга келиб маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушум ҳажми 2021 йилга нисбатан 2,68 баробарга ортади ва 7 115 трлн. сўмга етиши мумкин.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLICATIONS

I бўлим (I часть, part I)

1. Yakubova M.A, Improving energy supply in the context of the strategic development of the country's economy. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) <https://www.tarj.in>. 1360-1365b.

2. Yakubova M.A, Sustainable development of the energy industry of Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research ISSN: 2278-4853 Vol. 12, Issue 5, May 2023 SJIF 2022 = 8.179, DOI: 10.5958/2278-4853.2023.00060.5. <https://www.tarj.in>. 15-21b.

3. Yakubova M.A Цифровизация энергетики- фактор устойчивого развития. Хоразм Ма’мун akademiyasi axborotnomasi 2022-5/4 Вестник Хорезмской академии Маъмуна Xiva-2022, 61-64b (08.00.00; № 21)

4. Yakubova M.A, O‘zbekistonda issiqlik energetikasi sanoatida raqamlashtirish texnologiyalarini joriy etish va uning samaradorligi. Ta’lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar 2020 №5 Noyabr – Dekabr. 110-116 b (08.00.00; № 28).

5. Yakubova M.A, Milliy iqtisodiyot tizimida energetika tarmog'ini ahamiyati va o'rni. Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi 2022-12/2 Вестник Хорезмской академии Маъмуна Хива-2022, 187-190 b. (08.00.00; № 21)

6. Yakubova M.A, Совершенствование механизма устойчивого развития энергетических предприятий. “Инновационное развитие нефтегазовой отрасли, современная энергетика и их актуальные проблемы” материалы 2-ой международной конференции 29-30 октября, 2021г, Tashkent, Uzbekistan.

7. Tursunov A.M, Yakubova M.A, Перспективы развитие «зеленой» энергетики на примере гидроэнергетики. — TIQXMMII MTUning QARSHI irrigatsiya va agrotexnologiyalar instituti suv resurslari va gidrotexnika inshootlaridagi muammolar va ularning yechimlari respublika ilmiy-amaliy anjumani to'plami 15-16 mart Qarshi-2023y. 816-819 b.

8. Якубова М.А.-Развитие электроэнергетики в условиях цифровизации национальной экономики Узбекистана. Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti “Iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va auditni xalqaro standartlar asosida rivojlantirish muammolari va istiqbollari” Respublika ilmiy-amaliy anjumani to'plami, Qarshi-2023 yil. 999-1003 b.

9. Yakubova M.A, Sanoat korxonalarida barqaror rivojlanish va uning ilmiy-nazariy asoslari. XXXIX International Multidisciplinary Conference “Recent Scientific Investigation”. Proceedings of the Conference (December, 2022). Primedia E-launch LLC, Shawnee, USA. 2022. 180 p. 159-163b.

10. Yakubova M.A, Развитие предприятий энергетической отрасли в условиях цифровой экономики «Sanoat iqtisodiyoti va menejmenti: muammo va yechimlar» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – T.: 2021. 460-462 b.

II bo'lim (II chast, part II)

11. Yakubova M.A, Eshboyeva Sh. R.Organizational and Economic Mechanisms of Corporate Governance and Problems of Its Improvement. International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology (IJIRSET) /www.ijirset.com/ Impact Factor: 8.118/Volume 11, Issue 6, June 2022/DOI:10.15680/IJIRSET.2022.1106061.7326-7333 b.

12. Tursunov A.M, Yakubova M.A, Основные резервы развития электроэнергетической отрасли Узбекистана. “Интернаука” Научный журнал № 11(234) Март 2022 г. Част 4. 33-36 b.

13. Yakubova M.A, Turabekova G, Usmanova R. Methods To Growth effectiveness Of Products Of Light Industry Enterprises Under Conditions Of Renewal Of Economy. European Journal of Molecular & Clinical Medicine. ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 03, 2020 3892 **Scopus**. 3892-3896 b.

14. Yakubova M.A, Raqami iqtisodiyot sharoitida energetika tarmog'ining barqaror ta'minlash mexanizmi va uning nazariy asoslari. “Raqami iqtisodiyot” ilmiy-elektron jurnalning 2-soni Aprel 2023, ISSN: 2181-4430. 55-62b.